

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЧЎЛИЕВА ВАСИЛА ЭРКИНОВНА**

**БАҲОУДДИН ВАЛАД ВА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ФАЛСАФАСИДА  
ИНСОН МУАММОСИ: ҚИЁСИЙ-АНАЛИТИК ТАҲЛИЛ**

**09.00.03 - Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Чўлиева Васи́ла Эркиновна**

Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафасида инсон муаммоси:  
қиёсий-аналитик таҳлил ..... 3

**Чулиева Васи́ла Эркиновна**

Проблема человека в философии Бахауддина Валада и Джалалиддина Руми:  
сравнительный анализ ..... 31

**Chuliyeva Vasila Erkinovna**

The issues of human in the philosophy of Baha ud-din Walad and Jalal ad-din  
Rumi: the comparative-analytical analysis ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 64

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЧЎЛИЕВА ВАСИЛА ЭРКИНОВНА**

**БАҲОУДДИН ВАЛАД ВА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ФАЛСАФАСИДА  
ИНСОН МУАММОСИ: ҚИЁСИЙ-АНАЛИТИК ТАҲЛИЛ**

**09.00.03 - Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Fal178 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Каримов Сайимназар Каримович</b> фалсафа фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Шадмонов Қурбон Бадриддинович</b> фалсафа фанлари доктори, профессор <b>Маматов Мамаджан Ахмаджанович</b> фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент <b>Ҳошимхонов Мўмин</b> фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат чет тиллар институти</b>

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Негматова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор

**Х.А.Джуракулов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

**А.Р.Самадов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юз бераётган ҳозирги кундаги трансформацион ва инфорацион ўзгаришлар жараёнида инсон муаммоси ҳамда инсон омили аспектиларини аниқлаш масаласи ҳар қачонгидан кўра долзарб бўлиб бормоқда. Бугунги кунда маънавий таҳдидлар ва ахлоқий муаммолар глобал миқёсда кучайиб бораётган бир даврда шахс ижтимоий-ахлоқий оламини барқарорлаштириш, умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳини шакллантириш, маънавий-маърифий ғояларни кенг тарғиб қилишда ворисийлик тамойилларига риоя этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларда креатив тафаккурни ривожлантириш ва шахс ижодий имкониятларини шакллантиришда буюк алломаларнинг инсониятни руҳий камолотга даъват этувчи ғоялари, эркинлик, ватанпарварлик, китобхонлик, илм-маърифатга интилиш каби ҳар қандай макон ва замон учун универсал бўлган мезонларни бугунги кун талаблари билан бевосита боғлиқ ҳолда олиб бориш объектив заруратга айланмоқда.

Жаҳон илм-фани тараққиётида буюк мутафаккирларнинг илмий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари, хусусан, инсон антропогенези, антропоцентризм, социоцентризм каби концепцияларнинг ривожланиш контекстида бир қатор фундаментал тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жаҳон тадрижий тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган мутасаввифлар таълимотидаги олам ва одам муаммоси, шахс ва жамият ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар ҳақидаги қарашларни тадқиқ этиш, инсон шаъни ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий муносабатлар тизимида ижтимоий шерикчилик, ижтимоий фаоллик тамойилларига амал қилиш заруратини илмий-назарий жиҳатдан асослаш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг фалсафий таълимотида илгари сурилган ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик, дўстлик, мураса маданияти, альтруизм руҳидаги ғояларни ўсиб келаётган ёш авлодга сингдириш, фалсафий-ижтимоий қарашлар негизида замонавий таълим-тарбияни ривожлантириш бугунги куннинг муҳим илмий тадқиқот мавзуси бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда буюк мутафаккирларимизнинг илмий меросини ўрганиш, уларнинг ноёб қўлёзма асарларини тадқиқ ва тарғиб этиш, ёшларимизни эзгу анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса “мамлакатимизда “жаҳолатга қарши-маърифат” деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олийжаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади”.<sup>1</sup> Шу нуқтаи назардан, ислом фалсафасидаги инсоншунослик соҳаси тараққиётига муносиб ҳисса қўшган мутафаккирларнинг, хусусан, Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг инсониятни соғлом эътиқод ҳамда осойишталикка, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етукликка ижобий

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.43.

таъсир кўрсатувчи гуманистик ғояларининг мазмун-моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

#### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.<sup>1</sup>**

Инсон муаммоси ва инсон омили аспектларини тадқиқ этиш йўналишидаги илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, ISCA-Islamic Supreme Council of America (Америка), Centre of scientific investigation of Central Asia (АҚШ), School of Culture, religions and politics in Asia (Буюк Британия), Institute of Central Asia (Франция), Al-Azhar university (Миср, Қоҳира), Институт востоковедения РАН (Россия), İstanbul Üniversitesi (Туркия), Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Дунёда инсоншунослик соҳасини ривожлантириш, инсон капиталини такомиллаштириш масалалари бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Марказий Осиё мутафаккирларининг инсоншунослик соҳаси тараққиётига қўшган ҳиссаси аниқланган (ISCA-Islamic Supreme Council of America); комил инсоннинг шарқона моделига оид қарашлар тадқиқ этилган (Centre of scientific investigation of Central Asia, АҚШ); Баҳоуддин Валад ва Жалолоддин Румийнинг ислом фалсафасидаги ўрни илмий-назарий жиҳатдан исботланган (School of Culture, religions and politics in Asia, Буюк Британия); алломалар асарларидаги жамият тараққиётига таъсир ўтказувчи

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.en.hs-furtwangen.de/>; <https://www.en.uni-muenchen.de/>; <https://www.univ-lille.fr/>; <https://www.lse.edu/>; <https://www.umich.edu/>; [www.doshisha.ac.jp/](http://www.doshisha.ac.jp/); <https://www.utoronto.edu/>; <https://www.cbu.ca/>; <https://www.unn.ru/>; <http://library.fes.de/>; <https://www.ritsumeit.ac.jp/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

ортодаксал ғояларнинг ижтимоий механизмлари ўрганилган (Institute of Central Asia, Франция); алломаларнинг диний ҳамда дунёвий ғоялари умумлаштирилиб, демонстратив тарзда такомиллаштирилган (Al-Azhar university, Миср, Қоҳира); Жалолоддин Румий асарларининг бир қатор, жумладан, фалсафа, педагогика, психология, адабиётшунослик, диншунослик соҳалари ривождаги аҳамияти аниқланган (Институт востоковедения РАН, Россия); инсон муаммосининг умумий эволюцияси хусусидаги илмий-назарий ғоялар моҳияти очиб берилган (İstanbul Üniversitesi, Туркия); мутафаккирлар ижтимоий-сиёсий қарашларининг толерантлик ғояларини тарғиб қилишдаги концептуал аҳамияти асосланган (Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази, Ўзбекистон) ва мутафаккирлар илмий мероси манбаларининг каталоги яратилган (Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон).

Дунёда инсон муаммоси билан боғлиқ масалаларни ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: инсоншунослик соҳасида олиб борилаётган фундаментал тадқиқотларни такомиллаштириш; инсон капитали ривожда тадбиркорлик, шахсий жавобгарлик, фойдали фаолият каби социумларнинг ўзига хос хусусиятларини асослаш; маънавий таҳдидлар ва ахлоқий муаммолар глобал миқёсда кучайиб бораётган бир даврда шахс ижтимоий-ахлоқий оламини барқарорлаштириш; инсон муаммосига доир масалаларни тадқиқ этиш механизмларини такомиллаштириш; инсон қадрини юксалтиришда ижтимоий интеллектнинг ривожланиш тенденцияларидан унумли фойдаланиш; шахс ва жамият ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар ҳақидаги қарашларнинг бугунги кундаги аҳамиятини очиб бериш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўрта асрлар ислом фалсафасининг йирик вакилларида хисобланмиш Баҳоуддин Валад ва Жалолоддин Румийнинг фалсафий қарашлари, тасаввуфий таълимотини тадқиқ этиш ишларига XIV асрдан бошлаб алоҳида эътибор берилган. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий ва бошқа алломалар асарларида бу мутафаккирларнинг ҳаёти ҳамда ижодига оид бир қатор муҳим маълумотларни учратамиз.<sup>1</sup> Шу ўринда айтиш мумкинки, ушбу мавзуга бағишланган тадқиқотларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

*Биринчи гуруҳ.* Ушбу гуруҳга жаҳон миқёсида Баҳоуддин Валад ва Жалолоддин Румий ижодини тадқиқ этган хорижлик олимларни киритиш мумкин. Коулман Баркс, Джон Мойн, Р.Никольсон, Д.Ж.Арберри, Ш.Джан, У.Читтик, Дж.Балдок, К.Эрнст ва Франклин Льюслар томонидан Баҳоуддин Валаднинг ҳаёти ҳамда илмий меросини тадқиқ этиш бўйича дастлабки тадқиқот ишлари бошлаб берилиб, уларнинг асарлари инглиз тилига таржима

<sup>1</sup>Абдурахмон Жомий. Нафохутул-унс. Усмонли туркчага таржима қилган А.Ломеъий. Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғамалар фонди. 30840-сон, 524-бет; Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б.12; Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик, 10-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 2011 й. – Б.165; Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2011. – Б.58.

қилинган. В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.Кримский, Р.Фиш ва Д.Щедровицкийлар ўз тадқиқотларида<sup>1</sup> бу мутафаккирларнинг ижтимоий қарашларини таҳлил қилиб, уларнинг шахсияти, ҳаёти ҳақида тарихий қўлёзма манбаларга таянган ҳолда кўплаб муҳим маълумотларни оммага маълум қилишган.

*Иккинчи гуруҳ.* МДХ давлатларида ҳам Баҳоуддин Валад ва Жалолоддин Румийнинг илмий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. М.Истеълومий, А.Гўлпинарли, А.Зарринкуб ва У.Н.Тупбош каби олимлар мутасаввифлар ижодини ўрганишда уларнинг диний, фалсафий ғояларини уйғунлаштирган ҳолда тадқиқ этишган бўлса, Тожикистонда Х.Зиёев, М.Диноршоев ва М.Султоновлар Баҳоуддин Валаднинг “Маориф” асари юзасидан туркум мақолалар эълон қилишиб, ушбу асар таркибига кирувчи ҳикоялардан бир нечасини тожик тилига таржима қилган ҳолда, ўқувчилар эътиборига ҳавола этишган.<sup>2</sup> Шунингдек, Якоби Аҳмад Фаҳим, К.Саидолимов, З.Тохиров, Х.Мусозода, Ш.Карамхудоев, М.Махмаджонова ва Ю.Озьяшарлар томонидан Жалолоддин Румийнинг ижодини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

*Учинчи гуруҳ.* Ўзбек фалсафасида А.Авлонийнинг “Мухтасар тарихи анбиё ва ислом”, А.Фитратнинг “Мухтасар ислом тарихи”, Н.Комиловнинг “Тасаввуф”, “Тафаккур карвонлари”, М.Хайруллаевнинг “Маънавият юлдузлари”, Ҳ.Ҳомидийнинг “Кўҳна Шарқ дарғалари”, С.Каримовнинг “Тасаввуф фалсафаси” китобларида Баҳоуддин Валад ва Жалолоддин Румийнинг тасаввуф таълимотидаги ўрни, уларнинг Ғарб маданияти ривожига таъсири ҳамда диний бағрикенглик ҳақидаги ғоялари тадқиқ этилган бўлса, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, А.Маҳкам, У.Ҳамдам ва Р.Ҳакимжоновалар томонидан Жалолоддин Румийнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.<sup>3</sup> Б.Тўраев, Б.Каримов, Қ.Назаров, Г.Наврўзова, А.Чориев, С.Чориев, Қ.Шадмонов, Ш.Негматова, Ҳ.Саломова, Р.Шодиев, Р.Баходиров, М.Маматов ва М.Ҳошимхоновларнинг илмий тадқиқот ишларида мутасаввифларнинг ғоялари, илмий мероси ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган.

Юқорида санаб ўтилган тадқиқотчилар томонидан бу мутасаввифларнинг ижодини ўрганиш, илмий-маънавий меросини тадқиқ этиш бўйича фалсафа фани тарихида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг фалсафий қарашларидаги инсон моҳияти, инсон руҳий камолоти ва умуминсоний қадриятларга оид ғоялари атрофлича тадқиқ этилган.

<sup>1</sup>Утопленная книга. Размышления Бахауддина, отца Руми, о небесном и земном. – Москва: Эннеагон-Пресс, 2009. (Перевод с персидского на английский язык Коулмана Баркса и Джона Мойна); Эрнст К. Суфизм. – Москва: ФАИР-ПРЕСС, 2002; Бартольд В.В. Ислам и культура мусульманства. – Москва: МГТУ, 1992.

<sup>2</sup>Golpınarlı A. Mevlana. Hayati, sanati, eserleri. – Istanbul, 1954; Зиёев Х.М. Мировоззрение Баҳоуддина Валада и его роль в формировании ордена «Мавлавия»: – Автореферат. Диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук. – Душанбе, 1991.

<sup>3</sup>Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр, 2009; Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий. Жамол Камол тарж. – Тошкент: MERIYUS, 2010. – 1, 2, 3, 4, 5, 6-дафтарлар.



**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ I. “Баркамол инсон шахсини шакллантириш ва унинг ижтимоий-педагогик моҳияти” дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафасидаги инсон муаммосининг ҳозирги замондаги илмий-назарий аҳамиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг фалсафий дунёқараши, ўзига хос таълимотини яратишига асос бўлган ғоявий ҳамда ижтимоий заруриятларни таҳлил этиш;

мутафаккирлар илмий меросининг Шарқ фалсафий тафаккури тараққиётидаги аҳамиятини очиб бериш;

Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг инсоншуносликка оид қарашларини ёшлар дунёқарашида ғоявий-тарбиявий иммунитетни шакллантиришдаги ўрнини ёритиб бериш;

мутафаккирларнинг фалсафий ғояларидаги умумийлик ва хусусийлик тамойилларини қиёсий-аналитик таҳлил қилиш;

мутафаккирларнинг ижтимоий қарашларидаги миллатлараро тотувлик тўғрисидаги концепцияларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафасидаги инсон муаммоси масалалари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** фалсафа тарихида Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг фалсафий қарашларидаги инсон муаммоси масалаларини қиёсий-аналитик жиҳатдан таҳлил қилиш билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий билишнинг қиёсий солиштириш, таққослаш, анализ ва синтез, умумий алоқадорлик, ворислик, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимли таҳлил каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатликка даъват этувчи уюшқоқлик, бирдамлик, ҳамфикрлилик, мураса сингари ижтимоий-фалсафий қарашлари ижтимоий гуруҳларни бирлаштиришга ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги асосланган;

шахслар ўртасида илм-маърифат, ижтимоий интеллект, замонавий таълим-тарбияни ривожлантиришда Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг гуманистик ғояларидаги илмий-маданий, миллий қадриятлар тизимидаги дидактик-таълимий ҳамда инсон ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришдаги сиёсий ғоялари замон ва маконда етакчи ўринга эга эканлиги исботланган;

ёшлар маънавий қиёфасини шакллантиришда мутафаккирларнинг “Маориф”, “Маснавийи маънавий”, “Ичиндаги ичиндадур” асарларида

илгари сурилган мелиоризм (индивидуал камолот йўли билан маърифатни юксалтириш орқали жамият ҳаётини яхшилаш), эвдемонизм (бахт-саодатга интилишни инсон ахлоқий фаолиятининг мезони деб билиш), ижтимоий фаоллик каби гуманистик ғояларидан фойдаланиш зарурлиги мантиқий жиҳатдан асосланган;

замонавий этноэгоизм, “оммавий маданият” ва шахс маргиналлашуви (бир жинсли никоҳ, одам савдоси ва бошқа ғайриинсоний девиант хулқ-атвор элементлари)га оид деструктив ҳолатларни олдини олишда Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий қарашларида илгари сурилган “инсонни улуғлаш”, “инсон қадри” тамойиллари конструктив аҳамиятга эга эканлиги далилланган;

мутафаккирларнинг шахс ва жамият ўртасидаги корреляцион муносабатлар тизимини тартибга солишга йўналтирилган ижтимоий шерикчилик, мураса маданияти, умуминсоний маданиятлараро алоқадорлик каби қарашлари ижтимоий тараққиёт мезони эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафий таълимотининг ижтимоий-тарихий ҳамда маданий детерминантлари аниқланган;

мутафаккирларнинг илмий мероси ва диний-маърифий руҳдаги асарлари асосида фалсафа фанининг асосий тадқиқот методларидан ҳисобланмиш онтологик, гносеологик, эпистемологик ҳамда ахлоқий жиҳатлари ёритиб берилган;

Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафасидаги инсон ҳақидаги ғоялар қиёсий-аналитик усулда таҳлил этилган;

инсон моҳияти, инсон борлиғи, инсон омили, инсон руҳияти каби тушунчалар илмий-фалсафий таҳлиллар мисолида ёритилган;

ёшларда креатив тафаккурни юксалтириш ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳини шакллантиришда мутафаккирлар ғояларининг аҳамияти юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ОАК рўйхатидаги махсус журналлар, хорижий журналларда чоп этилган илмий мақолаларда акс эттирилган хулосалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тақдим этилган илмий-назарий хулосаларнинг фалсафа тарихи таҳлили, жумладан, Шарқ алломаларининг инсон муаммоси хусусидаги ғояларини назарий жиҳатдан ўрганишга доир илмий тадқиқот ишларида, нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида инсонлар орасида маънавий-ахлоқий ва умуминсоний қадриятларни улуғлаш, тасаввуф таълимотининг асосий ғояларидан бўлмиш инсонпарварлик ва ижтимоий мураса каби альтруистик ғояларидан ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом фикрли, креатив дунёқарашга эга бўлган шахслар сифатида камол

топтиришимизда муҳим аҳамият касб этишининг исботланганлиги, “Фалсафа”, “Фалсафа тарихи”, “Тасаввуф фалсафаси”, “Инсон фалсафаси” фанлари мазмунининг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тақдим этилган хулосалардан Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийларнинг инсон борлиғи, инсон омили, инсон капиталини янада ривожлантиришга оид қарашларидан келгусидаги илмий тадқиқот ишларида бошқа алломалар таълимоти билан қиёсий-аналитик таҳлил қилишда, “Маънавият ва маърифат” марказлари амалиётида, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, илмий-тарбиявий йўналишдаги фаолиятида, жамоатчилик билан ишлаш жараёнида, Шарқ мутафаккирлари маънавий меросини тарғиб этишда ҳамда мавзуга оид таълим муассасалари учун ўқув-методик қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафасида инсон муаммосининг қиёсий-аналитик таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатликка даъват этувчи уюшқоқлик, бирдамлик, ҳамфикрлик, муроса сингари ижтимоий-фалсафий қарашлари ижтимоий гуруҳларни бирлаштиришга ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигининг асосланганлигига оид назарий ғоя ва амалий аҳамиятга эга таклиф-тавсиялардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 2017-2020-йилларда бажарилган ПЗ-20170927147-рақамли “Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи” мавзусидаги амалий лойиҳасининг учинчи босқичидаги режалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 24 ноябрдаги 01-2325-сон маълумотномаси). Натижада, юртимизда истиқомат қилувчи фуқароларнинг ҳамжиҳатлик, умуминсоний маданиятлараро алоқадорлик, юртга муҳаббат сингари туйғуларининг ортишида ҳамда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик йўналишида олиб борилаётган илмий изланишларнинг салоҳиятини ошишига хизмат қилган;

шахслар ўртасида илм-маърифат, ижтимоий интеллект, замонавий таълим-тарбияни ривожлантиришда Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг гуманистик ғояларидаги илмий-маданий, миллий қадриятлар тизимидаги дидактик-таълимий ҳамда инсон ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришдаги сиёсий ғоялари замон ва маконда етакчи ўринга эга эканлигининг исботланганлигига оид илмий-назарий таклиф ва тавсиялардан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида янгидан ташкил этилган “IX-XII асрлар ёзма ёдгорликлари ва илмий адабиётшунослик асарлари” ва “XIII-XIV аср биринчи ярми адабиёти” номли экспозиция тақдимотида ҳамда музейнинг электрон каталогини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг 2021 йил 25 ноябрдаги 14-01/309-сон маълумотномаси). Натижада, музей ашёлари-экспонатлари орқали ёш авлодга маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, илмий-тарбиявий каби умуминсоний қадриятларимизга нисбатан ҳурмат руҳини шакллантиришда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилган;

ёшлар маънавий қиёфасини шакллантиришда мутафаккирларнинг “Маориф”, “Маснавийи маънавий”, “Ичиндаги ичиндадур” асарларида илгари сурилган мелиоризм (индивидуал камолот йўли билан маърифатни юксалтириш орқали жамият ҳаётини яхшилаш), эвдемонизм (бахт-саодатга интилишни инсон ахлоқий фаолиятининг мезони деб билиш), ижтимоий фаоллик каби гуманистик ғояларидан фойдаланиш зарурлиги мантиқий жиҳатдан асосланганлигига оид фалсафий таҳлиллар, илмий-назарий хулосалар ва таклиф-тавсиялардан VII-XVI асрларда яшаган 650 нафар Шарқ аллома ва мутафаккирлари ҳақидаги тарихий маълумотларни ўз ичига олган “Ўрта аср Шарқ алломалари” номли энциклопедияни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказининг 2021 йил 10 декабрдаги 02/506-сон маълумотномаси). Натижада, Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази ҳузуридаги кутубхонанинг тарихий қўлёзмалар фондиди мутафаккирларнинг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, илмий-тарбиявий қарашлари билан бойитиш ва марказ фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

замонавий этноэгоизм, “оммавий маданият” ва шахс маргиналлашуви (бир жинсли никоҳ, одам савдоси ва бошқа ғайриинсоний девиант хулқ-атвор элементлари)га оид деструктив ҳолатларни олдини олишда Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий қарашларида илгари сурилган “инсонни улуғлаш”, “инсон қадри” тамойиллари конструктив аҳамиятга эга эканлиги далилланганлигига оид таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурининг VI. йўналишига оид “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш” 40-банди ватанпарварлик, ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик, дўстлик, муроса маданияти негизида замонавий таълим-тарбияни ривожлантириш, ёшлар маърифий дунёқарашини шакллантириш мақсадида “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросини тарғиб қилиш, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш” мавзусида ўтказилган тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 26 ноябрдаги 02/08/1520-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли, айниқса, ёшларда Шарқ алломаларининг

бой маънавий меросига ҳурмат туйғусини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилган;

мутафаккирларнинг шахс ва жамият ўртасидаги корреляцион муносабатлар тизимини тартибга солишга йўналтирилган ижтимоий шерикчилик, муроса маданияти, умуминсоний маданиятлараро алоқадорлик каби қарашлари ижтимоий тараққиёт мезони эканлиги аниқланганлигига оид илмий-назарий таҳлиллар, илмий хулосалар ва тақлиф-тавсияларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йилда эфирга узатилган “Бедорлик”, “Миллат ва маънавият” эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 сентябрдаги 04-25-1476-сон маълумотномаси). Натижада, бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ОАВларининг ўрни ҳамда уларнинг жамият тараққиётига таъсири, хусусан, коммуникатив алоқа технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда, минтақамизда камол топган ва фаолият юритган буюк алломаларимиз ҳаёти, илмий-маънавий мероси юзасидан маълумотларни ишончли манбалар асосида кенг жамоатчиликка тақдим этиш имкониятини янада оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та ОАК тасарруфидаги ва 2 та хорижий журнал материаларида, 10 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, (хусусан, 10 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 256 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти бўйича маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафий таълимотининг ижтимоий-тарихий ҳамда маданий**

детерминантлари” деб номланган бўлиб, мазкур боб учта параграфдан иборат. Биринчи бобнинг биринчи параграфи “Баҳоуддин Валаднинг ҳаёти, фалсафий таълимоти ва илмий мероси” деб номланган бўлиб, бунда Баҳоуддин Валаднинг ҳаёти ҳамда фалсафий таълимоти ва илмий меросига доир маълумотлар бир қатор илмий адабиётлар ҳамда тарихий манбалар таҳлили асосида келтириб ўтилган.

Баҳоуддин Валад ўз даврида тасаввуф таълимоти ва шариат илмининг билимдони бўлиши билан бирга, дунёвий илмларни ҳам чуқур эгаллаган алломаи замон сифатида шуҳрат қозонган. Алломанинг тўлиқ исми Муҳаммад Баҳоуддин Валад ибн Ҳусайн ал Хатибий ал Балхийдир. “Султон ул-уламо” ислом илоҳиётшунослиги, Қуръон тафсири ва ҳадислар шарҳидан мадрасада дарс берар, унинг “Маориф” китоби жуда машҳур эди.<sup>1</sup> Шайх Баҳоуддин Валад ўз даврида “Султон ул-уламо” номи билан танилган файласуф ва машҳур воиздир. Шарқдаги машҳур мутафаккир ва мутасаввиф олимлардан бири ҳисобланмиш Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди саналади.<sup>2</sup>

Шайх Баҳоуддин Валаднинг “Маориф”<sup>3</sup> асарининг асосий моҳиятини ислом динининг ақидаларини англаш ва тушуниш ташкил этади. Бу асар инсонга олам ва одам ҳақидаги тасаввурларини бойитиши билан бирга, кучли маънавий озуқа ҳам бахш этади. Мазкур асарда алломанинг турли давраларда сўзлаган ваъзлари, кундалик ҳаётда учрайдиган маиший муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланган фалсафий мушоҳадалари, инсон руҳияти билан боғлиқ диалектик қарашлари ҳақидаги турли фикрлари жамланган. У ўзининг машҳур “Маориф” асарида Шарқ халқларининг ўзига хос миллий қиёфасини ва юксак ирфоний тафаккурини акс эттирган алломадир. Баҳоуддин Валад ислом назариётчиси бўлиши билан бирга, ўз фалсафий ғояларини амалиёт билан узвий боғлай олган мутасаввиф ҳамдир.

Баҳоуддин Валаднинг “Маориф” асари мутасаввифнинг тасаввуфий-ирфоний билимлари ва фалсафий қарашларини ўзида жамлаган нодир манба бўлиб, бу асар форсий тилда ёзилган. “Маориф” асари кундалик шаклида ёзилган ҳамда тартиб берилган. Олмон шарқшунос олимаси Аннимаре Шиммель ўз тадқиқотларида бу асар хусусида ҳам сўз юритади ва унга “Эксцентрик ҳиссиётлар тасвири кундалиги” дея таъриф беради. Жалолиддин Румийнинг ўзига хос фалсафий тизимини, услубини яратишида бу асар асосий ғоявий манба вазифасини бажарган. “Маориф” асари буюк шайх Баҳоуддин Валаднинг тасаввуф мистикасига оид кенг қамровли қарашларининг умумий йиғиндисидир. Анри Корбен бу асар хусусида шундай дейди: “Биз унинг буюк ўғли ва ғоявий вориси Румий таълимотини тушунмоғимиз учун дастлаб “Маориф”ни мутолаа қилмоғимиз даркор”. Баҳоуддин Валад сиймосидаги файласуф барча миллат, дин ва мазҳабларни

<sup>1</sup>Сагторий Ҳ. Румий ўтган йўл // Жаҳон адабиёти, 2007. – №10. – Б.135.

<sup>2</sup>Хайруллаев М. Ўзбекистонда фалсафий-ижтимоий фикрлар тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б.107.

<sup>3</sup>Maârif. Sultanül-ulema Bahâeddin Veled (Mevlânâ Celâleddin-I Rumi'nin Babasi). Doç. Dr. Şadi Aydın., Doç. Dr. Elvir Musiç. – Istanbul: Ekim, 2018.

бирлик моҳияти ҳамда ишқ ҳидояти билан улуғлаган, уларни ҳамжиҳатликка, бағрикенгликка даъват этувчи улуғ зотдир.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи **“Жалолиддин Румий фалсафасининг моҳияти ва тараққиёт хусусиятлари”** деб номланган бўлиб, бунда алломанинг фалсафий-тасаввуфий таълимоти, ислом фалсафаси тараққиётидаги ўрни хусусида сўз боради.

Жалолиддин Румий 1207 йилнинг 30 сентябрида ҳозирги Афғонистон шимолида жойлашган ва ўша даврларда хоразмшоҳларга қаршли бўлган Балх шаҳри яқинидаги Вахш қишлоғида таваллуд топган.

Мавлоно Румийдаги юксак ирфоний тафаккурнинг шаклланишида Фаридиддин Аттор билан бирга Нажмиддин Кубро, Ҳаким Санойи ва Шамс Табризийларнинг ўрни беқиёсдир. Маълумки, унинг отаси Баҳоуддин Валад Кубравия тариқати шайхларидан бўлиб, Мавлоно тасаввуф таълимоти бўйича илк сабоқларни айнан отасидан олган.

Бир сўз билан айтганда, Мавлоно зуҳд ва риёзатни, ишқ ва маломатни, ваҳдат ул-вужуд ва ирфоний билимларни ўз ботиний ҳамда зоҳирий оламида мужассам этган буюк алломадир. Жалолиддин Румий тасаввуф водийсининг тўрт оқимида бирдек ҳаракатлана олган зотлардан бири ҳисобланади. Булар: тариқи аҳйар-ибодат ва тақво орқали Ҳақ вуслатига эришмоқликни истовчилар йўли; тариқи аброр-гўзал ва нафис саловатлар; тариқи суттар-кўз ёш тўкиш ва тавба қилиш орқали Ҳақ жамолига етишмоқликни истовчилар йўли. Мавлоно отаси Баҳоуддин Валад ва Саййид Бурҳонуддин Муҳаққиқ Термизийдан Кубравия тариқатининг асосини ташкил этувчи тариқи аҳйар ва тариқи аброр йўлининг талабларини; Шамс Табризийдан тариқи суттар йўлининг талабларини; Муҳйиддин Арабийдан Садриддин Кунявий орқали тариқи ирфон талабларини ўзлаштирди. Шу тариқа Мавлоно тасаввуф водийсининг бу тўрт тала йўлини умумлаштирган ҳолда ўзининг сўфийлик назарияси ғояларини яратди.

Жалолиддин Румий ғоялари Ғарб маданияти тараққиётига ҳам сезиларли таъсир ўтказди, унинг асарлари юзасидан туркум таржималар амалга оширилди. Профессор А.Арберри Жалолиддин Румий ижодини кенг ўрганган ва унга “Румий аслида инсоният тарихидаги энг сирли ва буюк шоирдир”, дея таъриф берган. Жалолиддин Румий даврлар ва замонларга таъсир ўтказиб келаётган шоирдир, унинг асарлари йиллар ўтган сайин гўё янгиланиб, умумжаҳоний мазмун касб этиб бораётгандай, у ўтмиш эмас, балки бус-бутун келажакдир, у ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ дунё китобхонларининг диққати ва ҳурматига сазовор бўлмоқда.<sup>1</sup>

Биринчи бобнинг учинчи параграфи **“Мутасаввифларнинг фалсафий ғояларидаги умумийлик ва хусусийлик тамойиллари”** деб номланган. Тадқиқотнинг бу қисмида Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг тасаввуф таълимоти тараққиётидаги ўрни, уларнинг фалсафий ғояларидаги умумийлик ҳамда хусусийлик жиҳатлари хусусида сўз юритилар экан, улар

<sup>1</sup>Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.182.

ижодидаги бир қатор уйғунлик ва тафовутлар умумлаштирилиб, демонстратив тарзда таҳлил қилинган.

Тасаввуф тарихида бир шахснинг иккинчи бир шахс дунёқарашига, рухий камолотига, етукликка эришмоғи йўлида бевосита ва билвосита таъсир ўтказиши ҳамда бунинг натижасида уларнинг таълимотлари ўртасида ўзаро ғоявий боғлиқликлар юзага келиши билан боғлиқ жараёнларга кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Аввало, бу алломаларнинг фалсафий дунёқарашларидаги асосий умумийлик жиҳати шундаки, ҳар иккала файласуф ҳам ўзларининг фалсафа фанини асосий тадқиқот объекти ҳисобланмиш олам ва одам ҳақидаги қарашларини далиллашда пантеизм таълимоти тарафдори эканлигига ишора қилишади. Бу уйғунлик улар таълимотидаги энг асосий диалектик боғлиқликни ташкил этади. Баҳоуддин Валад ҳам, Жалолиддин Румий ҳам ўз фалсафий таълимотларини Худо – Табиат – Инсон формуласига қатъий риоя этган ҳолда ривожлантиришган ва ўз шогирдларию муридларига таълим беришда, халққа турли мавзуларда маърузалар ўқишда, яъни, воизлик фаолиятларида бу қонуният марказий ўринни эгаллаган. Шунингдек, улар оламдаги барча мавжуд нарсаларнинг субстанцияси Мутлақи вожибга боғлиқ ва унинг ихтиёрида эканлигини алоҳида таъкидлашган. Бу алломалар ўз диний-фалсафий ғояларида Аллоҳнинг мавжудлигига далил изламаслик лозим, унинг яралиши ва моҳияти хусусида сўзлаш мумкин эмас,<sup>1</sup> зеро, у барчанинг қалбидадир, дея уқтирадилар.

Мутлақи вожибнинг сифатлари ҳақидаги қарашлар дастлаб Баҳоуддин Валаднинг “Маориф” асарида келтирилган, аммо аллома бу мавзуга ниҳоятда диний тус беради. Шу сабабдан, унинг шогирдлари ва бошқа сўфийлар жамоаси учун ҳам бу масаланинг моҳиятини англаш бир мунча мураккаблик қилади. Шундан кейин Жалолиддин Румий отасининг Мутлақи вожиб ҳақидаги қарашларини ўз услуби ва пантеистик дунёқарашидан келиб чиқиб таҳлил этади ҳамда у ўзининг бу масалага доир таълимотини дунёвийлик билан уйғунлаштиради. Натижада, Румийга хос бўлган халқчил ва барчага тушунарли равон услубда шарҳланган бу масала Ўрта асрлар мусулмон оламида кенг қулоч ёйган бир қатор тасаввуф таълимоти намояндалари дунёқарашига сезиларли таъсир ўтказди.

Баҳоуддин Валад ўзининг “Маориф” асарида инсоннинг моҳияти ва яратилиши хусусида шундай ёзади: “Бизнинг руҳимиз уруғлари пинҳонлик олаmidан келиб қадалади ва биз бу ерда унамиз, улғаямиз, камолга етамиз ҳамда яна қайтиб сўлиб уруғга, ундан эса ниҳолга айланамиз”, деб таъкидласа, яна бир ўринда эса: “Инсон заррадан яралади ва у ўз табиатидаги фазилатлари ёки иллатлари туфайли хайвонлик даражасида тубанлашади ёки малаклик даражасида юксалади”.<sup>2</sup> Мавлоно Жалолиддин Румий эса ўзининг

<sup>1</sup>Утопленная книга. Размышления Бахауддина, отца Руми, о небесном и земном. Т.П. (Перевод с персидского на английский язык Коулмана Баркса и Джона Мойна) – Москва: Эннеагон-Пресс, 2009. – С.316.

<sup>2</sup>Maârif. Sultanül-ulema Bahâeddin Veled (Mevlânâ Celâleddin-I Rumi'nin Babasi). Doç. Dr. Şadi Aydın., Doç. Dr. Elvir Musić. – Istanbul: Ekim, 2018. – P.218.



“Ичиндаги ичиндадур” асарида бу масалада шундай фикрларни келтириб ўтади: “Борлик (вужуд) оғилидан жамоа оғилига, жонсиз борликлар оғилидан ўсимлик дунёсига, ундан ҳайвонликка, ҳайвонликдан инсонликка, инсонликдан малакликка ва шу сўнгсиз тарзда илгарилатади. У сенга буларни бир-биридан устун оғиллар борлигини қабул ва эътироф этмоғинг учун кўрсатгандир”.<sup>1</sup> Дарҳақиқат, Жалолиддин Румий томонидан илгари сурилган заррадан ўсимликка, ўсимликдан ҳайвонга, ҳайвондан инсонга, инсондан малакка айланиш тизимида борлиқнинг асосидаги мутлақ рух ўз асосидан кечмаган ҳолда оддийликдан-мураккабликка қараб ҳаракатланишига ишора қилинган. Биз Мавлоно Жалолиддин Румий таълимоти билан яқиндан танишар эканмиз, бу ғояни субстанцияси айнан отасининг “Маориф” асарида келтирилган антропологик ғоялар таъсирида яратилганлигига бевосита гувоҳ бўламиз. Эътиборли жиҳати шундаки, Баҳоуддин Валад ўз асарида бу ғояни умумий бир тарзда шарҳлаб ўтган бўлса, Жалолиддин Румий бу ўринда мантикий изчиллик тамойилига асосан, априор билимларга таяниб, синтезлаган ҳолда тушунтиради. Бунда Мавлоно ўз фикрини далиллаш учун диалектиканинг қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни тамойиллари асосида редукционизм нуқтаи назаридан фикр юритади.

Шунингдек, Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг илмий меросидаги мавзулар кўлами ўртасида ҳам ўзаро боғлиқликлар кузатилади. Булар:

1. Миллий-ватанпарварлик мавзуси;
2. Тасаввуфий, диний-фалсафий ва ахлоқий мавзу;
3. Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик мавзуси;
4. Ишқий мавзу;
5. Маърифатпарварлик мавзуси;
6. Ижтимоий-маиший муаммолар мавзуси.

Агар биз бу алломаларнинг асарларини номланишига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу ҳолатлар яққол кўзга ташланади, яъни, ҳар иккала алломанинг асарлари ҳам маълум бир соҳа доирасида номланмаган. Масалан, “Маориф”, “Маснавийи маънавий”, “Ичиндаги ичиндадур”, “Мажолис сабъа” ва “Мактубот”. Буларнинг барчаси умумий мавзулар йиғиндиси доирасида номланган ва бунда маънавият, илм-маърифат, инсон моҳияти, Аллоҳнинг ягоналиги каби масалалар марказий ўринни эгаллайди.

Уларнинг онтологик ва гносеологик қарашлари ҳам бевосита бир-бирига жуда яқиндир. Ҳар иккала аллома ҳам борлиқдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш ақл ва муҳаббат ёрдамида қўлга киритилади деб ҳисоблашади. Баҳоуддин Валад ўзининг эпистемологик қарашларида билишнинг асосий объектини Аллоҳ, субъектини эса Инсон деб таълим беради ва шундай ёзади: “Излаётган ва изланаётганлар – иккаласи ҳамоҳангдир”.<sup>2</sup> Жалолиддин Румий ҳам ўзининг эпистемологик таълимотида

<sup>1</sup>Sultanül-ulema Bahâeddin Veled. Кўрсатилган асар. – Б.33.

<sup>2</sup>Утопленная книга. Размышления Бахауддина, отца Руми, о небесном и земном. Т.І. (Перевод с персидского на английский язык Коулмана Баркса и Джона Мойна) – Москва: Эннеагон-Пресс, 2009. – С.7.

отасининг ушбу ғояларини қўллаб-қувватлаган ҳолда шундай дейди: “Қидирмагунингча ҳеч нарсани тополмайсан”.<sup>1</sup>

Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий ижодида бир-бирини такрорламайдиган, бир-биридан тубдан фарқ қиладиган жиҳатлар ҳам ниҳоятда кўп эканлигини кези келганда алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Хусусан, Баҳоуддин Валад ўз қарашлари ва фикрларини баён этишда асосан диний руҳдаги ғояларга кўпроқ урғу берган бўлса, Жалолиддин Румий отасининг диний қарашларини дунёвий илмлар воситасида кенгайтиради. Баҳоуддин Валаднинг “Маориф” асарида келтирилган ғоялар умумий тарзда баён этилган бўлса, Жалолиддин Румий ўзининг “Маснавийи маънавий”, “Ичиндаги ичиндадур”, “Мажолиси сабъа” ва “Мактубот” асрларида отасининг аксарият ғояларини яқка ва умумий тушунчаларга ажратган ҳолда синтезлаб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этади. Бунинг натижасида, Баҳоуддин Валад асарининг тили мураккаб ва дастлаб ўқиганда тушуниш бир мунча мушкул бўлганлиги туфайли “Маориф” асари тор доира вакиллари ўқийдиган ҳамда тушуна оладиган асар сифатида баҳоланади. Жалолиддин Румий эса ўз ғояларини содда ва халқчил, барча учун бирдек тушунарли, қизиқарли, ҳаммага манзур бўладиган тарзда баён эта олганлиги учун унинг асарлари халқ орасида тезда машҳур бўлиб кетади. Шунингдек, Баҳоуддин Валад ўзининг “Маориф” асари таркибида келтирилган ҳикоятларга аксарият ўринларда диний нуқтаи назардан ёндашган бўлса, Жалолиддин Румий эса диний мавзудаги масалаларга дунёвийлик нуқтаи назаридан аллегорик тарзда ёндашади. Бундай тафовутлар эса Мавлоно Румийни отасининг ижодига кўп мурожаат қилганлигига қарамай, ўз шахсий позицияси ва йўналишига эга бўлганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг II боби “**Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафий-антропологик қарашларининг моҳияти**” деб номланган бўлиб, бу боб 3 параграфдан иборат. Иккинчи бобнинг биринчи параграфи “**Инсон моҳияти ҳақидаги қарашларнинг тарихий-фалсафий илдизлари**” деб номланган бўлиб, бунда фалсафа фанининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланмиш антропология, инсон ва жамият масалалари хусусида сўз боради. Инсон муаммоси барча фанларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади ва ҳар бир фан тараққиётининг марказида туради. Фалсафа фани тараққиётининг ҳар қандай босқичида у ёки бу мавзудаги турли масалалар билан шуғулланишидан қатъий назар унинг асосий масаласи инсон муаммосини ҳал этишга қаратилган. Фалсафанинг инсон, унинг эҳтиёжлари ва манфаатлари билан боғлиқ алоқаси доимий равишда турли ғояларни майдонга келиши натижасида янгилашиб боради.

Антропология таълимоти маданият соҳасининг ҳам ажралмас бир қисми ҳисобланади.<sup>2</sup> Инсонни фалсафий англашнинг умумий эволюцияси хусусида сўз борар экан, бунда турли антропологик тамойилларни шаклланиши билан унинг борлиқдаги ўрни ва мавқеи ҳақидаги қарашлар ҳам бир мунча чуқур ўрганилди. Инсоннинг ўзига хослиги, унинг субъектив ва ижодий

<sup>1</sup>Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – Б.193.

<sup>2</sup>Барулин В.С.Социально-философская антропология. – Москва: Онега, 1994. – С.3.

имкониятлари, инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро алоқадорликларни тушуниш барча даврларда антропология соҳасининг асосий кун тартибидаги масалалардан бири ҳисобланиб келинган. Натижада, инсонни жамият маънавий оламининг бунёдкори ва маҳсули сифатида тушуниш билан боғлиқ қарашлар бир мунча либераллаштирилди.

Инсоният тарихида инсоншунослик ҳақидаги билимларнинг юзага келиши бевосита бир қатор назарий билимларнинг шаклланишига таъсир ўтказди. XIX асрга келиб тарих, антропология, психология каби бир қатор фан тармоқларининг ривожланиши ва тараққиёти чорраҳасида инсоншунослик назарий йўналишга айлана бошлади. Шу тарзда инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадқиқ этиш масаласи деярли барча фанларнинг тадқиқот объектига айланди. Фалсафа фанида инсоншунослик йўналишининг пайдо бўлиши натижасида эса антропоцентризм ва социоцентризм каби назариялар ҳам тараққий этди.

Ер юзидаги мавжудотлар уч гуруҳдан иборат бўлиб, булар-ўсимликлар олами, ҳайвонот олами ва башарият оламидир. Инсон фаришта ва ҳайвон ўртасидаги махлуқдир, ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати (туйғу-иродаси йўқ), фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок, илоҳий нурдан иборат. Инсон ҳис-туйғуси моҳияти сифатида ҳайвондан юқори, маънавий-руҳий жиҳатдан эса фариштадан паст туради. Ўз моҳиятининг ана шу икки томони билан инсон ҳайвонот ва малаклар оламига яқин бўлса-да, у ҳайвон ҳам эмас, фаришта ҳам эмас, инсонда уларнинг ҳар икковидан ҳам устунлик томонлари бор. Бу бевосита Аллоҳ томонидан яратилганлиги ва унга берилган даража билан белгиланади.<sup>1</sup> Инсон табиатидаги мавжуд фазилатлар ва иллатлар унинг малаклар ёки махлуқотлар оламига яқинлигини белгилаб беради.

Инсон мураккаб мавжудот ва ҳозирги кунга қадар тўлиқ ўрганилмаган феномен сифатида унинг биологик ҳамда физиологик тузилиши, генетик омиллари, руҳий-ақлий салоҳияти, яъни имконияти масаласи классик ва ноклассик, шунингдек, постноклассик фанлар тарихидаги ҳамон ўзининг мутлақ ечимини топмаган муаммолар сирасига киради. Инсон антропогенизи ҳақидаги тарихий-фалсафий қарашларнинг деярли барчаси антропоцентризм тамойили асосида яратилган ва ривожлантирилган. Шу сабабдан инсоният тарихи ибтидосидаги бошланғич даврдан бошлаб ҳозирги кунгача инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар либераллаштирилиб келинади. Инсон оламнинг гултожи ва жамиятнинг бунёдкори сифатида энг фаол объект ҳисобланади.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи **“Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг инсон моҳияти ҳақидаги қарашларини илмий-назарий асослари”** деб номланиб, алломаларнинг инсоншунослик соҳаси тараққиётига қўшган ҳиссаси, инсон моҳияти ҳақидаги қарашлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

---

<sup>1</sup>Ясперс К. Смысл и назначение истории. – Москва: Республика, 1994. – С.58.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган Шарқ алломалари инсон рухий камолотида одоб-ахлоқ ва илм эгаллашга бўлган иштиёқ масаласини марказий ўринга қўйишган. Бунда эса уларга муқаддас Куръони Карим ва муборак ҳадиси шарифлардаги ҳикматлар асосий манба бўлиб хизмат қилган. Мутафаккирлар ислом ягона мафкурага айланган бир шароитда давлат, уни бошқариш Куръон ва шариат қоидалари асосида олиб борилиши кераклигини таъкидлаганликларини, ислом доимо давлат эҳтиёжи билан ислом жамоаси манфаатларини бирлаштирувчи сиёсий қадрият касб этиб келган.<sup>1</sup>

Инсонни Аллоҳ яратган мавжудотлар орасида энг буюги дея эътироф этган Баҳоуддин Валад инсон шаъни ва кадр-қимматини ҳар нарсадан устун қўйган ҳолда, уни энг олий қадрият сифатида эъзозлайди. Баҳоуддин Валад ўзининг инсоншуносликка оид қарашларида инсон борлиқнинг эгаси, Аллоҳнинг нури тажаллийсидан яралган зот дея улуғлайди. Унинг таълимотига кўра, Аллоҳ ўзи яратган мавжудотлар орасида фақат инсонгагина ўз сурати ва сийратидан илоҳий нур инъом этди. Баҳоуддин Валад инсон антропогенези хусусида сўз юритаркан, шундай ёзади: “Биз тупроқдан бунёд бўлганмиз, қисқа муддатли андуҳ ва зафарни бошимиздан кечириб, яна тупроққа қайтамыз”.<sup>2</sup> Шунингдек, Баҳоуддин Валад инсон танасининг барча аъзолари ўзгариши мумкин, фақатгина ундаги қалб ва руҳ ўзгармайди, дейди. Қалб ва руҳ ҳеч қачон бузилмайдиган, ҳеч нарсага айланмайдиган модда кабидир, фақат қиёматда бу бадандан ажралиб чиқади, дея таъкидлайди Баҳоуддин Валад.

Баҳоуддин Валад ўзининг инсон антропологияси ҳақидаги фикрларини баён этаркан, у инсон моҳиятини англашда иккита асосни уйғунлаштиради: булар-моддий ва маънавий асос. Аллома инсоннинг моддий ва маънавий олами ҳақида сўз юритаркан, инсон оламдаги барча нарсанинг моҳиятини билиши мумкин, фақат ўзини моҳиятини, ўз қийматини билмайди дейди. У ўзининг “Маориф” асарида шундай ёзади: “Эй инсон, сен ўзинг ўйлаганчалик қудратли эмассан! Сендаги ҳасад, беҳуда вайсаш, мақсадсиз манзиллар лаънати сени йиллар давомида таъқиб этади ва бу оғир дардга айланиб, сени аслиятингга, сўнгги маконингга қайтаради (ҳалок этади-В.Ч.)”.<sup>3</sup>

Ўрта асрлар мусулмон оламининг энг кўзга кўринган йирик вакилларида бир ҳисобланмиш Мавлоно Жалолиддин Румийнинг фалсафий-антропологик қарашларида инсон интравертига, яъни, унинг моҳияти ва ички эмоционал имкониятлари таснифига алоҳида эътибор қаратилади. У ўз таълимотида инсоннинг яралиши ва моҳияти хусусида сўз юритаркан, аввало, инсонни олий қадрият сифатида эътироф этади.

Мавлоно Румий инсоннинг яратилиш детерминантлари ҳақида сўз юритаркан “Нос дедим, инсонни, ул наснос эмас”,<sup>4</sup> яъни, инсон илк яратилиш

<sup>1</sup>Каримов С. Развитие социально-политической мысли в Мавераннахре XIV-XV вв: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук. – Ташкент, 1998. – С.29.

<sup>2</sup>Maârif. Sultanül-ulema Bahâeddin Veled (Mevlânâ Celâleddin-I Rumi'nin Babasi). Doç. Dr. Şadi Aydın., Doç. Dr. Elvir Musiç. – Istanbul: Ekim, 2018. – P.19.

<sup>3</sup>Утопленная книга. Размышления Бахауддина, отца Руми, о небесном и земном. Т.І. (Перевод с персидского на английский язык Коулмана Баркса и Джона Мойна) – Москва: Эннеагон-Пресс, 2009. – С.10.

<sup>4</sup>Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. – Тошкент: MERIYUS, 2010. 4-дафтар. – Б.410.

нуктасидаёқ инсон бўлиб яралган, у маймундан тарқалмаган ва шу билан бирга ҳеч қандай ҳайвоннинг авлоди ҳам эмасдир, дея инсонни улуғлайди ҳамда ўз фикрини қуйидагича ифодалайди:

Одамий гар шу жаҳоннинг наслидир,  
Лек сифот ичра жаҳоннинг аслидир.<sup>1</sup>

Жалолиддин Румий ўрта асрлар мусулмон фалсафасида инсон тўғрисидаги қарашларни янги босқичга кўтарди, уни бир бутун таълимот, яхлит система қилиб расмийлаштирди.<sup>2</sup>

Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг фалсафий таълимотида инсон муаммоси масаласи марказий ўринни эгаллайди. Улар ўз асарларида инсон теургияси масаласини юқори пардаларда мадҳ этадилар. Теургия-инсоннинг руҳ билан бирлашиб, унинг мададига таяниб амалга оширадиган ижодий ҳаракатидир.<sup>3</sup> Бу алломаларнинг фикрича, инсоннинг ботиний ва зоҳирий оламида Тангри тажаллийси зухур топади. Шу сабабдан фақат инсонгагина Тангри билан руҳий яқинлик ва қалбан бирлашиш имконияти туҳфа этилган. Инсон дили ва тилида Аллоҳни зикр этаркан, шу онда Яратувчи ҳамда яратилмиш ўртасида инсон онги идрок эта олмайдиган, фақатгина қалбан ҳис қилиш мумкин бўлган руҳий кечинмалар унинг шуурида рўй беради, деб ёзади Баҳоуддин Валад.

Ушбу бобнинг учинчи параграфи “**Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафасида ўз-ўзини англаш масалаларининг концептуал асослари**” деб номланган. Фалсафа фанининг гносеология соҳаси билиш муаммолари, моҳияти, шакллари, меъёрлари, хусусиятлари ва тамойилларини, онг, сезги, идрок, ҳақиқат каби эпистемологиянинг зарурий тушунчаларини тадқиқ этади.

Биз буюк мутасаввифлар Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийларнинг фалсафий таълимотида сўфийлик экзотерикасининг олий нукталарини кўп учратамиз. Баҳоуддин Валад ва унинг муносиб ғоявий вориси бўлмиш Жалолиддин Румийнинг фалсафий қарашларида гносеология соҳасига оид бир қанча фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтишади. Бу буюк алломалар ўзларининг инсон моҳияти ҳақидаги эпистемологик қарашларида тафаккур ва тасаввур уйғунлиги, инсонда фикрнинг пайдо бўлиши ҳамда йўқолиши хусусида сўз юритадилар. Инсон руҳиятининг ички интизоми ва ўзгариши, инсон хаёлотининг онгга, онгнинг борлиққа таъсири, инсон моҳияти, инсондаги мавжуд чин ҳамда хато билимлар, абстракт тушунчалар, реал ва хаёлий тасаввурлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтишади.

Баҳоуддин Валаднинг эпистемологик қарашларини бевосита икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга алломани оламнинг моҳиятини англашга қаратилган гносеологик қарашлари кирса, иккинчи гуруҳга эса Ҳақ ва Ҳақиқатни англашга доир фалсафий-эпистемологик қарашларини киритиш мумкин. Алломанинг фикрича, оламнинг субстанциясини, яъни жавҳарини англашда ҳис-туйғу ва рационал билиш муҳим роль ўйнайди. Бу

<sup>1</sup>Жалолиддин Румий. Кўрсатилган асар. – Б.500.

<sup>2</sup>Чориев С. Жамият ва Инсон фалсафаси. – Қарши, 2008. – Б.150.

<sup>3</sup>Бердяев Н. Опыт парадоксальной этики. – Москва: Аст, 2003. – С.69.

жихатлар эса фақат ақл орқали англонади. Бундай ҳолат ҳақида алломанинг ўзи шундай ёзади: “Сизнинг бошингизга қўйилган ушбу ақл тожи марваридлар ва ҳиссиётлар билан безатилгандир”.<sup>1</sup> Бу ўринда Баҳоуддин Валад интуитив ва рационал билишнинг ўзаро бир-бирига боғлиқ эканлигини таъкидлаган ҳолда, ақлни ҳар қандай ҳис-туйғулардан устун деб ҳисоблайди.

Баҳоуддин Валад эпистемологик қарашларининг иккинчи босқичи бу Ҳақ ва Ҳақиқатни англаш масалалари тадқиқига қаратилган бўлиб, бунда асосий мақсад инсониятга Аллоҳни танитиш, Унинг тажаллийсига эришиш йўллари англамоқдан иборатдир. Инсон суратидан Унинг маъносини қандай англаётган бўлсанг, Одам сурати воситаси ёрдамида Унинг маъносидан ҳам хабардор бўл.<sup>2</sup> Бу жараёнда муаммонинг объекти мутлақ ҳақиқат ҳисобланади.

Ўрта асрлар мусулмон оламининг энг кўзга кўринган йирик вакилларида бир ҳисобланмиш Мавлоно Жалолиддин Румийнинг фалсафий-антропологик қарашларида инсон интравертига, яъни, унинг моҳияти ва ички эмоционал имкониятлари таснифига алоҳида эътибор қаратилади. У ўз таълимотида инсоннинг яралиши ва моҳияти масалалари хусусида сўз юритаркан, аввало, инсонни олий кадрият сифатида эътироф этади. Жалолиддин Румийнинг фалсафий таълимотида “Ўзини билган Аллоҳни билади” ғояси етакчилик қилади. Унинг тушунтиришича, инсон ўзлигини англашга интилиши натижасида қалби ҳам иймонга юзлана бошлайди. Мавлононинг фикрича, иймон намоздан ҳам устундир. Сабаби, инсон куннинг маълум қисмида беш вақт намоз ўқиш фарзини адо этади. Иймонли бўлиш эса маълум вақт ва миқдорни талаб этмайди. Иймонли инсон ҳар доим унинг талабларига амал қилган ҳолда яшамоғи лозим. Баъзан узрли сабаблар туфайли намоз бузилиши ёки ўқилмай қолиши ва маълум муддатдан кейин қазо шартлари адо этилиши мумкин. Шариатда бунга рухсат бор. Аммо иймондан юз буриб, ундан воз кечишга ҳеч қандай рухсат йўқ. Зеро, аллома таъбири билан айтганда: “Намозсиз иймоннинг фойдаси бўлади, бироқ иймонсиз намознинг ҳеч қандай фойдаси йўқ”.<sup>3</sup> Иймон-эътиқодли инсон маънавий камолотга интилиб яшайди. Ахлоқан пок бўлмоқ ҳам иймонли бўлмоқликнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Аллома таъбири билан айтганда, инсон маънавий камолотга эришмоғи учун аввало ўз қалбини турли ортиқча ҳою-ҳаваслар зангидан тозалаш зарур. Ана шунда унинг қалби равшанлашади ва бундай маънавий-ахлоқий камолот соҳиби бўлган шахслар ўзларини турли фисқу-фасодлардан, ғийбат ва ифволардан йироқ тутадилар. Жалолиддин Румийнинг фикрича, маънавий жихатдан етук шахслар ҳамиша инсонларга марҳамат кўзи билан қараб, атрофдагиларга яхшилик қилишга интиладилар. Демак, инсон ўзлигини, борлигини теран англамоғида у, аввало, маънавий жихатдан етук ва соғлом бўлмоғи зарур экан.

<sup>1</sup>Кўрсатилган асар. – Т. II. – Б. 223.

<sup>2</sup>Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 52.

<sup>3</sup>Жалолиддин Румий. Кўрсатилган асар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 35.

Жалолоддин Румий ҳақиқатга эришиш босқичларини образли тарзда куйидагича тушунтиради: Шариат: “Менга айтишган: оғу заҳарлайди, олов куйдиради”; Тариқат: “Мен оғунинг заҳарлашини ва оловнинг куйдиришини ўз кўзим билан кўрдим”; Ҳақиқат: “Мен ўзим оғу ичиб, оловда ёниб кўрганман”.<sup>1</sup>

Жалолоддин Румий инсоннинг билиш чегараларини чексиз дея ҳисоблайди. Аллома интуитив билиш тўғрисида сўз юритар экан, бу ҳолат инсонга боғлиқ бўлмаган илоҳий-руҳий жараёнدير, дея таъкидлайди. Румийнинг фикрича, инсон Ҳақиқатни ташқаридан қидиради, ҳар жойдан излайди, аммо аслида унинг излаётгани ўзида мужассамдир. Инсон ҳақиқатни ўзидан излаши жараёнида Ҳаққа юзланади ва Яратувчи ҳамда яратилмиш ўртасида илоҳий бир занжир пайдо бўлади шу тариқа энг буюк ҳақиқат энг буюк мукамалликда намоён бўлади, дейди аллома.

Буюк мутасаввифлар Баҳоуддин Валад ва Жалолоддин Румийларнинг фалсафий-ирфоний қарашлари, башариятни комилликка, етукликка даъват этувчи альтруистик ғоялари ўсиб келаётган ёш авлодларни тарбиялашда, жамиятимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларнинг тадрижийлиги ва тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг учинчи боби **“Мутафаккирларнинг тасаввуфий қарашларида комил инсон концепцияси ва унинг моҳияти”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда инсон моҳияти, унинг руҳий камолоти, яхшилик ва ёмонлик муаммоси, инсон камолотида илмнинг ўрни ҳамда нафс тарбияси масалалари хусусида сўз боради. Ушбу бобнинг биринчи параграфи **“Баҳоуддин Валад ва Жалолоддин Румийнинг фалсафий қарашларида нафс тарбияси ҳамда маънавий поклик масалалари”** деб номланган. Буюк Шарқ мутафаккирларидан Баҳоуддин Валад нафс хусусида сўз юритаркан, шундай ёзади: “Морбозни барибир илон ўлдиради, чунки нафс ҳам илондир, ким унга берилса, нафс уни ўлдиради, сабаби илондаги мухталиф (турли) ранг ва нақшлар нафсда ҳам мавжуддир”.<sup>2</sup> Бу борада Жалолоддин Румий эса: “Нафс хоҳишларини адо этишдан сақлансангиз, абадий муродингизга етасиз ва ушбу зулматхонадан, зиндондан қутуласиз”,<sup>3</sup> дея насиҳат қилади. Солим ибн Абдуллоҳ: “Агар нажот истасанг, дунёдан рўза тут (ундан тийил), ундаги ифторлигинг ўлиминг бўлсин”,<sup>4</sup>-деган экан. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса нафсга шундай таъриф берилади: “Нафс (арабча нафс-қалб, кўнгил; инсон; мақсад; ғурур, мағрурлик)”.<sup>5</sup> Инсон нафснинг қулига айланганда тирикчилик, айниқса, вужуд ташвиши бош мақсадга айланиб, кишида

<sup>1</sup>Насриддинов Ч. Инсон, онг, руҳият. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.47.

<sup>2</sup>Утопленная книга. Размышления Бахауддина, отца Руми, о небесном и земном. Т.І. (Перевод с персидского на английский язык Коулмана Баркса и Джона Мойна) – Москва: Эннеагон-Пресс, 2009. – С.97.

<sup>3</sup>Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – Б.134.

<sup>4</sup>Имом Шамсиддин Заҳабий. Машхур даҳолар сийрати. (Сияру аъламин нубало) – Тошкент: Hilol hashr, 2017. – Б.375.

<sup>5</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. II-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.26.

манфаатпарастлик майллари бўй кўрсата бошлайди. Зотан, нафс ўз қулини инсонийлик сифатларидан маҳрум этувчи иллатдир.

Тасаввуф фалсафасида пайғамбаримиз томонидан айтилган “Ўлмасдан бурун ўлинг” ҳадиси юксак бир ахлоқий дастурга айланган ва Ҳақиқатга етиш босқичининг асосий мезонларидан бири сифатида белгиланган. Бу борада Жалолиддин Румий шундай дейди: “Унинг ёнига икки “Мен” сиғмайди. Чунки сен ҳам “Мен” деяпсан, У ҳам “Мен” деяпти. Ё сен ўл, ё У ўлсинки, иккилик қолмасин”,<sup>1</sup> деса, яна бир ўринда инсон “Ўлмасдан бурун ўлмагунча” Ҳақиқатни англолмайди дейди ҳамда баъзан маъсумлигимизга фаришта ҳавас қилади, баъзан жоҳиллигимиздан шайтон қочарга жой тополмайди дея инсондаги иллатларни қаламга олади. Жалолиддин Румий ушбу ҳадиси шарифга ўз асарларида румиёна шарҳлар берар экан, мусулмон фалсафасида у илк бор “Инсоннинг ихтиёрий ўлими” хусусидаги ғояни ўртага ташлади.

Баҳоуддин Валад таъбири билан айтганда, инсон ўзини ташқи ёвлардан ҳимоя қилмоқликка интилади, куч топади, лекин минг таассуфки, ўз ичидаги “ёв”га қарши боролмай, унга фатҳ бўлади.

Мутафаккирларнинг қайд этишича, инсон умри жуда қисқа бўлиб, оний лаҳзаларда шиддат билан ўтиб кетади. Шу сабабдан инсон ўзининг азиз умрини арзимас майда-чуйдаларга сарфламаслиги лозим. Бу фоний оламда ўлим ва охиратдан яқинроқ, орзудан узоқроқ, хотиржамликдан гўзалроқ нарсанинг ўзи йўқ.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи **“Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафасида руҳий камолот масалалари”** деб номланиб, бунда Шарқнинг буюк алломалари ҳисобланмиш Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийларнинг асарларидаги маънавий-ахлоқий баркамолликка, руҳий камолотга даъват этувчи концептуал ғоялар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган.

Исломнинг илк даврларидан бошлаб мусулмон олимлари томонидан диний ва дунёвий фанларни тасниф (классификация) қилиш, жумладан, ҳар бир фанни турли соҳаларга бўлиб ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилган<sup>2</sup> бўлсада, тасаввуф тарихи бундан мустасно эди. Тасаввуф таълимоти ислом фалсафасининг ўзига хос алоҳида йўналиши ҳисобланиб, ҳозирда файласуфлар, тарихчилар ва адабиётшунослар томонидан кенг тадқиқ этилмоқда. Бугунги кунда тасаввуф таълимоти ислом дини ва маънавиятини комбинациялаштирувчи илм сифатида ҳам таърифланмоқда. Мусулмон маданияти ва унинг минтақавий аҳамиятини ўрганиш, шарқона одоб-ахлоқ қоидаларини тарғиб қилишда бу таълимотдаги умуминсоний

<sup>1</sup>Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – Б.37.

<sup>2</sup>Каримов У.И. Классификация наук по Ибн Сине // Материалы первой Всесоюз. науч. конф. востоковедов. Ташкент, 4-11 июня 1957 г. – Ташкент, 1958. – С.981-990; Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. – Москва, 1960; Джанматова Х.И. Ал-Кинди // Из философского наследия народов Востока. – Ташкент, 1972. – С.12-56; Муҳаммад ибн Закариё Розий. Сирр ал асрор (Форс тилида) / Эҳсон Муқаддас томонидан нашрга тайёрланган. – Техрон: Нилубарг, 1394/2016; Хайруллаев М. Фараби – крупнейший мыслитель средневековья. – Ташкент: Фан, 1973. – С.25-29; Сагадеев А.В. Ибн Сина (Авиценна) – Москва: Мысль, 1980. – С.72-82; Баҳодиров Р. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. – Тошкент, 1995.



қадриятлар, ғоялар асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Ислом динининг муҳим элементи сифатида вужудга келган ҳамда шаклланган бу таълимот “маънавий озуқа”га ташна Шарқ ва Ғарб китобхонлари ўртасида ҳанузгача муқаддас илмлардан бири сифатида қадрланиб келинмоқда.

Жалолиддин Румий ўзининг гносеологик қарашларида шундай фикрни илгари суради: Хом эдим. Пишдим. Етилдим. Бу ўринда аллома тасаввуф фалсафасидаги руҳий камолотга етишишнинг асосий тўрт босқичини назарда тутган ҳолда, орифлик йўлига кирган ва сўфийлик жамоаларига эргашган илк даврларини истифода этади. Бу жараёнда ўзидаги руҳий-ботиний камолотни ушбу мақомдаги дастлабки қадамлари дея ҳисоблаб, хом эдим, бу йўлнинг бошида турган солиқ эдим деб атайди ўзини. Иерархия тамойилига асосан босқичма-босқич юксалиш натижасида тариқат мақомига этади ва шу ўринда ўзидаги руҳий камолот даражасини англаган ҳолда “пишдим” дея бу босқичнинг юқори чўққисига етганини баён этади. Мавлоно Румий ўзидаги атараксия ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, ички хотиржамлик ва руҳий осойишталикка сазовор бўларкан, буни маърифат босқичига етишмоқлик дея тушунтиради. Айнан мана шу босқичда Жалолиддин Румийдаги экстаз, яъни кучли медитацияга берилиш ҳолати олий кўринишда намоён бўлади. Ундаги бу руҳий ҳолатни натижаси ўлароқ, умрининг сўнгги йилларида ёзилган, аммо ўзи яқунлай олмаган шоҳ асари “Маснавийи маънавий”даги умумбашарий ортодаксал ғояларнинг юзага чиқиши орқали англаш мумкин. Руҳий камолотнинг сўнгги мақоми Ҳақиқат босқичи бўлиб, бу мутлақ комилликка эришган мусулмоннинг Ҳақ билан қовушиш жараёни ҳисобланади. Ўзидаги бундай руҳий жараёни аллома “етилдим” тарзида изоҳлайди ва яна Аллоҳнинг даргоҳига қайтиш учун “Маҳбубим ҳузурига чоғланган йўловчиман”, тарзида Ҳақ сари юзланишни назарда туттади.

Баҳоуддин Валаднинг ахлоқий қарашларида инсон эркинлиги, ирода эркинлиги масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. У эркинлик тушунчасини ниҳоятда шарафлайди ва инсон руҳий камолотга эришувидаги асосий факторлардан бири деб таъкидлаган ҳолда, шундай ёзади: “Аллоҳ бизга вужудни, мияни ва ҳаракат эркинлигини, яъни, эркинлик орқали ўзлимизни ҳамда Ўзини англаш имкониятини берди”.<sup>1</sup>

Мухтасар қилиб айтганда, ўз фалсафий қарашларида ислом динининг илоҳий қадриятларини маънавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғунлаштира олган бу алломалар асарларини ўрганиб тадқиқ этар эканмиз, уларнинг таълимотларида илгари сурилган умумбашарий ғоялар башариятни руҳий камолотга даъват этувчи асосий манбалардан бири эканлигига амин бўламиз.

Мазкур диссертациянинг тўртинчи боби “**Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари контекстида жамият тараққиёти масалалари**” деб номланган бўлиб, бунда алломаларнинг ижтимоий қарашлари илмий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган. Биринчи параграф “**Баҳоуддин Валаднинг ижтимоий-фалсафий қарашлари тизимида жамият барқарорлиги, муросачилик, тинчлик ва**

<sup>1</sup>Утопленная книга. Размышления Бахауддина, отца Руми, о небесном и земном. Т.І. (Перевод с персидского на английский язык Коулмана Баркса и Джона Мойна) – Москва: Эннеагон-Пресс, 2009. – С.44.

**осойишталик масалалари”** деб номланиб, мутафаккир фалсафасидаги тил ва дил бирлиги ғояси жамиятдаги тинчлик ҳамда осойишталикнинг асосий тамойили эканлиги алломанинг асарларидан келтирилган қатор иқтибослар орқали асослаб берилган. Марказий Осиёнинг улуғ мутафаккирларидан ҳисобланмиш Баҳоуддин Валаднинг ижтимоий-фалсафий қарашлари тизимида тинчлик ва ҳамжиҳатлик, жамият ва давлат бошқаруви, миллатлараро тотувлик ҳамда инсонпарварлик ҳақидаги фалсафий ғоялар алоҳида аҳамият касб этади.

Баҳоуддин Валаднинг фикрича, ўзини жамиятнинг фаол аъзоси деб ҳисоблаган инсон албатта халққа хизмат қилмоғи керак. Халққа хизмат қилмаган, халқ учун жон куйдирмаган инсон эса Ҳақ хизматига ҳам ноил бўлолмайди. Бу хусусида аллома шундай дейди: “Парвона ўзини шамга уриши билан ёнади. Бироқ ҳақиқий парвона ёнгунча шам зиёсидан айрилмайди. Худди шундай, халқ дарди билан қизиқмаган, аксинча, ундан нолиган, унинг учун жонини куйдирмаган инсон инсон эмасдир. У Ҳақни англаб ҳис этса ҳам, у тушуниб, идрок этган Ҳақ – Ҳақ эмас”.<sup>1</sup>

Баҳоуддин Валаднинг фикрича, қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллиги, сўз ва фикр эркинлиги инсониятни у қаерда яшашидан қатъий назар, ўзаро яқдил қилувчи ва жипслаштирувчи асосий кучдир. Чунки бир предмет ёки ҳодиса атрофида турли қарашлар ва фикрлар билдирилиши мумкин, аммо моҳият ўзгармайди. Эркинликнинг ўзи эса англаб олинган заруратдир. Аслида ер юзидаги барча инсонларнинг дунёқарашини, манфаатларини турлича бўлади, бинобарин, улар бир-биридан фарқ қилади. Лекин улар учун умумий мақсад – ўзи истиқомат қилаётган заминининг равнақи, тинчлиги, фаровонлиги пировард мақсад бўлиши лозимлиги бугунги жадал суратларда ривожланаётган ахборот асрида долзарб масалага айланиб бормоқда. Аллома таъбири билан айтганда, бутун инсоният ўртасида ўзаро ҳамкорликни яхшилаш жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга замин яратади.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи **“Жалолиддин Румийнинг диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик хусусидаги концептуал ғоялари”** деб номланган бўлиб, бунда Жалолиддин Румийнинг фалсафий таълимотидаги диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик каби масалаларга тегишли фикр-мулоҳазаларини ёритишда, алломанинг альтруистик ва турли диний ихтилофларга берилишни олдини олиш борасидаги умуминсоний қадриятларга оид ижтимоий қарашларига ҳам тўхталиб ўтилган.

Мавлоно Жалолиддин Румий ўз даврининг ҳурфикрли донишманди бўлган, шу сабабли у “Биз дунёга инсонларни ажратиш учун эмас, бирлаштириш учун келганмиз” деган ғоя орқали шовинизм тамойилини қаттиқ қоралайди. У барча инсонларни эзгу мақсадлар атрофида бир оила бўлиб бирлашишлари ва шу орқали халқлар дўстлигини тарғиб этиш тарафдори сифатида оламга донг таратган алломадир. “На илож, эй,

<sup>1</sup>Maârif. Sultanül-ulema Bahâeddin Veled (Mevlânâ Celâleddin-I Rumi'nin Babasi). Doç. Dr. Şadi Aydın., Doç. Dr. Elvir Musić. – Istanbul: Ekim, 2018. – P.58.

мусулмонлар, мен ўзимнинг на тарсо, на яҳудийлигимни, на мажусий, на мусулмонлигимни билмайман” дея барча инсонлар аслида бир авлод вакиллари эканлигини, дунёдаги мавжуд барча динлару мазҳабларнинг асоси ягона, бир-бирига узвий боғлиқ эканлигини тарғиб этиб яшаган. У учун бутун инсониятнинг бахти, бутун оламнинг гўзаллиги ягона истак эди. Шу тафайли у жами одамзотнинг фаҳрига айланди.<sup>1</sup> Жалолиддин Румий бутун умри давомида турли диний ақидаларга, инсон тафаккури ва ҳис-туйғуларини кишанловчи турфа расм-русумлар ҳамда маросимларга қарши курашган.

Мутасаввифнинг фикрича, мўминларнинг танаси, жисми, шаклу-шамойили турфа, аммо иймони биттадир. Бир мақсад йўлида бирлашган, дўстлашган аҳли мўминлар бирлашиб воҳид бўладилар. “Мўминлар, ҳеч шак-шубҳасиз оға-инидирлар”.<sup>2</sup> Уларнинг ораларига биродарлик солган Зот Ҳақ Таолонинг Ўзидир. У боғлаган ришта ҳеч қачон узилмайди.<sup>3</sup>

Жалолиддин Румийнинг ижтимоий қарашларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилган, шунинг учун ҳам бугунги кунда у жаҳонда асарлари энг кўп таржима қилинадиган, нашр этиладиган ва китоблари энг кўп мутолаа қилинадиган сиймолардан бирига айланган. Чунки аллома дин, миллат ва элат танламайди, унинг қарашларида инсон концепцияси олий ўринни эгаллайди ҳамда у ўз фалсафий ғоялари орқали умуминсоний қадриятларни улуғлаган. Мавлоно Жалолиддин Румий ўз даврининг етук воизи бўлган, аммо у бирор бир миллат, дин ёки мазҳаб доирасида сўзлайдиган воиз эмас, балки, турли миллатлар, элатлар, динлар, мазҳаблар ва фирқаларни ҳамжиҳатликка, бирдамликка, тотувликка даъват этган воиз сифатида майдонга чиққан. Мутасаввиф ўз ваъзлари орқали жамият ижтимоий ҳаётининг фаол амалиётчисига айланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, биз мазкур тадқиқот ишимизда Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийларнинг илмий меросини, инсон ҳақидаги фалсафий ғояларини тадқиқ этарканмиз, бу жараёнда тарихий таҳлиллар ва манбаларга асосий эътиборимизни қаратдик. Тўпланган манбалар асосида мутафаккирларнинг фалсафий дунёқарашини шаклланишида ва ўз даврида, шунингдек, бугунги кунга қадар юксак аҳамият касб этишига сабаб бўлган ғоявий ҳамда назарий заруратларга, ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳам тўхталиб ўтилди. Бугунги кунда фалсафа фанининг асосий йўналишларидан деб эътироф этиладиган фалсафа тарихи, онтология, эпистемология, диалектика ва ахлоқшуносликка доир фалсафий ғоялар ҳам тарихийлик ҳамда тадрижийлик тамойиллари асосида кўриб чиқилди.

<sup>1</sup>Сатторий Ҳ. Румий ўтган йўл // Жаҳон адабиёти, 2007. – №10. – Б.145.

<sup>2</sup>Қуръони Карим, Ҳужурот сураси, 10-оят. Абдулазиз Мансур таржимаси. – Тошкент: Ислом университети, 2001.

<sup>3</sup>Жалолиддин Румий. Мажолиси сабъа. 1-мажлис. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – Б.68.

## ХУЛОСА

Диссертацияда амалга оширилган таҳлиллар ва кузатувлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадқиқот доирасида инсон муаммоси тушунчаси ва инсон омили аспекти бўйича илгари сурилган назарияларни таҳлил этиш, инсондаги биологик, физиологик ҳамда ижтимоий ўзига хосликларни ўрганиш орқали инсоншунослик соҳасини ривожлантириш зарурати мавжуд.

2. Маънавий таҳдидлар ва ахлоқий муаммолар глобал миқёсда кучайиб бораётган бир даврда инсоннинг ижтимоий-ахлоқий оламини барқарорлаштириш, шахс ижодий имкониятларини шакллантириш бўйича маълум концепцияларни ишлаб чиқиш мумкин.

3. Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафасидаги инсон муаммоси масалаларини тадқиқ этиш ҳамда уларнинг гуманистик ғояларини янада кенг тарғиб қилиш инсоншунослик соҳасининг янада тараққий этишига хизмат қилади.

4. Жаҳонда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ракурсида Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийларнинг инсониятни соғлом эътиқод ҳамда ҳамжиҳатликка, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етукликка даъват этувчи ғояларини ўрганиш, шунингдек, тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда.

5. Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийларнинг ислом фалсафаси тараққиётидаги, тасаввуф таълимоти ривожигаги ўрнини муносиб баҳолаш, улар ғояларининг моҳиятини чуқур англаш бугунги кунда фалсафа тарихи соҳасидаги асосий масалалардан ҳисобланади.

6. Шарқ фалсафасида “Султон ул-уламо” номи билан машҳур бўлган Баҳоуддин Валаднинг шахси, илмий мероси ва таълимотини тадқиқ этиб, унинг умумбашарий ғояларини кенг жамоатчилик оммасига маълум қилиш ишларини йўлга қўйиш маънавий-маърифий соҳалар ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

7. Жалолиддин Румий таълимотининг бир қатор, жумладан, фалсафа, педагогика, психология, адабиётшунослик, диншунослик, маънавиятшунослик каби фанлар ривожигаги аҳамиятини ўрганиш ва кенгайтириш шу соҳаларнинг оптимал ривожланишига самарали таъсир кўрсатади.

8. Инсон капитали ривожига тадбиркорлик, шахсий жавобгарлик, фойдали фаолият каби сотсиумларни ўрганиш ва такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

9. Шарқ мутафаккирларининг илмий меросини ўрганиш ва инсон муаммосига доир масалаларни тадқиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ чора-тадбирлар жамиятда ижтимоий интеллектни юксалишига ижобий таъсир кўрсатади.

10. Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафасидаги инсон муаммоси масалаларини қиёсий-аналитик жиҳатдан таҳлил этиш орқали

жамиятда инсонпарварлик тамойилларини янада юксалтириш имконияти пайдо бўлади.

11. Мутасаввифларнинг ижтимоий-фалсафий қарашларидаги жамият тараққиётига оид концептуал ғоялар, ижтимоий ҳаётда барқарорлик муҳитини таъминлашда давлат раҳбари ҳамда фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тадқиқ ва тарғиб этиш мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотларга самарали таъсир кўрсатади.

12. Баҳоуддин Валад ва Жалолоиддин Румийнинг илмий-маданий ҳамда сиёсий ғоялари инсонлар ўртасида илм-маърифат, ижтимоий интеллектни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

13. Мутасаввифларнинг ижтимоий шерикчилик, муроса маданияти, умуминсоний маданиятлараро алоқадорликни такомиллаштиришга оид қарашлари ижтимоий тараққиётнинг асосий мезонларидан ҳисобланади.

Баҳоуддин Валад ва Жалолоиддин Румий фалсафасида инсон муаммоси масалаларини қиёсий-аналитик таҳлил этиш натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонининг V-йўналишидаги “Буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида юртимиздан етишиб чиққан алломалар қаламига мансуб 100 та асарнинг халқчил таржимасини амалга ошириш, улар асосида илмий ва оммабоп рисоалар яратиш” деб номланган 73-мақсадда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида Баҳоуддин Валаднинг “Маориф”, Жалолоиддин Румийнинг “Девони Кабир” ва “Мактубот” асарларини ўзбек тилига таржима қилиш;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июлдаги ПҚ-5186-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган “буюк аждодларнинг жаҳон тамаддуни, диний ва дунёвий илмлар ривожига қўшган ҳиссасини энг замонавий усуллар ва воситалар орқали ёритиб бориш” бўйича белгиланган чора-тадбирлар доирасида Баҳоуддин Валад ва Жалолоиддин Румийнинг илмий меросини тарғиб этиш бўйича IT-парклар, инновацион марказлар билан ҳамкорликда мобил иловалар ва анимацион маҳсулотлар яратиш;

3. “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” асосида мутафаккирларнинг асарларида келтирилган илмий-маърифий ғоялар юзасидан Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасига оид ўқув адабиётлар ва қўлланмалар яратиш;

4. МТТ тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларини бой маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда “Маснавийи маънавий” таркибидаги ҳикоя ҳамда масаллар жамланмасидан китоблар нашр этиш, шунингдек, мультипликацион фильмлар яратиш;

5. Ёшларимизни Шарқона этикет қоидаларига ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида мутафаккирларнинг комил инсон концепциясининг моҳиятига оид қарашларидан фалсафа, этика-эстетика, адабиёт, педагогика, одобнома каби фанларни ўқитишда кенгроқ фойдаланиш;

6. Олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талабалар учун Баҳоуддин Валад ва Жалолиддин Румийларнинг ҳаёти, илмий мероси ва умуминсоний қадриятларга оид қарашлари бўйича махсус курслар ташкил этиш мумкин.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ УЧЕНОГО СОВЕТА  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИМЕНИ ШАРОФА РАШИДОВА**

---

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ЧУЛИЕВА ВАСИЛА ЭРКИНОВНА**

**ПРОБЛЕМА ЧЕЛОВЕКА В ФИЛОСОФИИ БАХАУДИНА ВАЛАДА И  
ДЖАЛАЛИДИНА РУМИ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ**

**09.00.03 – История философии**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)**

**Самарканд – 2022**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.1.DSc/Fal178.**

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)), по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) Информационно образовательного портала «Ziynet».

**Научный консультант:**

**Каримов Сайимназар Каримович**  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Шадмонов Курбон Бадриддинович**  
доктор философских наук, профессор

**Маматов Мамаджан Ахмаджанович**  
доктор философских наук (DSc), доцент

**Хошимхонов Мумин**  
доктор философских наук (DSc), доцент

**Ведущая организация:**

**Самаркандский государственный институт  
иностранных языков**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_ часов на основании Разовой заседания Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете имени Шарофа Рашидова (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40. e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz). Исторический факультет Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова, 1-этаж, 105-аудитория).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно ресурсном центре Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова (зарегистрирован за №\_\_\_). Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40).

Автореферат диссертации разослан: «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г.

(Реестр протокола рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г.)

**Ш.Негматова**

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
философских наук (DSc), профессор

**Х.А.Джуракулов**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор философских наук (DSc), доцент

**А.Р.Самадов**

Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению ученых степеней,  
доктор философских наук (DSc), доцент



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и востребованность диссертации.** В процессе происходящих в настоящее время трансформационных и информационных изменений в мире проблема человека и вопрос об определении аспектов человеческого фактора становятся все более актуальным, чем когда-либо прежде. Сегодня, когда в глобальном масштабе все более усиливаются духовные угрозы и нравственные проблемы, важное значение приобретает следование принципам преемственности в стабилизации социально-нравственного мира личности, формировании духа уважения по отношению к общечеловеческим ценностям, широкой пропаганде духовно-нравственных идей. В этом смысле в воспитании всесторонне развитого поколения, развитии креативного мышления у молодежи и формировании творческих возможностей личности превращаются в объективную необходимость ведение в непосредственно связанном с современными требованиями виде универсальных для любого времени и пространства идей великих мыслителей прошлого, призывающих к духовному совершенствованию человека, а также таких критериев, как свобода, патриотизм, книголюбие, стремление к науке и просвещению.

В развитии мировой науки осуществляется ряд фундаментальных исследований научно-философских, социально-политических взглядов великих мыслителей, в частности, в контексте развития таких концепций, как антропогенез человека, антропоцентризм, социоцентризм. В частности, в настоящее время важное значение имеет исследование в учениях мутасаввифов, внесших свой достойный вклад в мировое эволюционное развитие, взглядов на проблемы мира и человека, корреляционной связи между личностью и обществом, защиту достоинства и интересов человека, социальное партнерство в системе социальных отношений, научно-теоретическое обоснование необходимости следования принципам социальной активности. Наряду с этим внедрение в сознание подрастающего поколения идей согласия, гуманизма, дружбы, культуры примирения, альтруизма, выдвинутые в философских учениях Бахауддина Валада и Джалалиддина Руми, развитие современного образования и воспитания на основе философских-социально взглядов в настоящее время представляют собой важную тему для научных исследований.

В нашей стране уделяется особое внимание изучению научного наследия великих мыслителей, исследованию и пропаганде их уникальных рукописей, делу воспитания молодежи в духе преданности нашим традициям. Это способствует тому, что «в нашей стране одним из постоянных вопросов повестки дня остается пропаганда гуманистической сущности исламской религии на основе идеи «просвещение против невежества», ее служение таким благородным целям, как мир и дружба».<sup>1</sup> С этой точки зрения возникает необходимость научно-теоретического

---

<sup>1</sup>Мирзиёв Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. (От национального возрождения к национальному совершенствованию). – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.43.

исследования сущности и содержания гуманистических идей мыслителей, в частности, Бахауддина Валлада и Джалалиддина Руми, внесших достойный вклад в развитие учения о человеке в исламской философии, оказывающих положительное влияние на формирование здоровых убеждений, спокойствие и мир человечества, его духовно-нравственное совершенствование.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», УП-6108 от 6 ноября 2020 года «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана», ПП-2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» и ПП-3721 от 12 мая 2018 «Об организации среди молодежи конкурсов любителей книги в целях широкого изучения и пропаганды творческого наследия наших великих ученых, поэтов и мыслителей» и других нормативно-правовых актах, относящихся к теме.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.<sup>1</sup>**

Научные изыскания, посвященные исследованию проблемы человека и аспектов человеческого фактора, осуществляются в таких ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, как ISCA-Islamic Supreme Council of America (США), Centre of scientific investigation of Central Asia (США), School of Culture, religions and politicly in Asia (Великобритания), Institute of Central Asia (Франция), Al-Azhar university (Каир, Египет), Институт востоковедения РАН (Россия), İstanbul Üniversitesi (Турция), Международный научно-исследовательский центр Имама Бухари и Центр исламской цивилизации в Узбекистане (Узбекистан).

В научных исследованиях по вопросам развития исследований по проблеме человека, совершенствования человеческого фактора, осуществленных в масштабах всего мира достигнуты следующие результаты: определен вклад мыслителей Центральной Азии в развитие исследований проблемы человека (ISCA-Islamic Supreme Council of America); исследованы взгляды на восточную модель совершенного человека (Centre of scientific investigation of Central Asia, США); научно-теоретически обоснована роль Бахауддина Валлада и Джалалиддина Руми в исламской философии (School of

---

<sup>1</sup>Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе следующих источников: <https://www.en.hs-furtwangen.de>; <https://www.en.uni-muenchen.de>; <https://www.univ-lille.fr>; <https://www.lse.edu>; <https://www.umich.edu>; [www.doshisha.ac.jp](http://www.doshisha.ac.jp); <https://www.utoronto.edu>; <https://www.cbu.ca>; <https://www.unn.ru>; <http://library.fes.de/>; <https://www.ritsumeit.ac.jp/> и других.

Culture, religions and politics in Asia, Великобритания); в трудах ученых исследованы социальные механизмы ортодоксальных идей, влияющих на развитие общества (Institute of Central Asia, Франция); обобщены и усовершенствованы в демонстративном виде религиозные и светские идеи ученых (Al-Azhar university, Каир, Египет); определено значение произведений Джалалиддина Руми в развитии ряда таких областей, как философия, педагогика, психология, литературоведение, религиоведение (Институт востоковедения РАН, Россия); раскрыта сущность научно-теоретических идей об общей эволюции проблемы человека (İstanbul Üniversitesi, Турция); обосновано концептуальное значение распространения мыслителями в своих социально-философских взглядах идей толерантности (Международный научно-исследовательский центр Имама Бухари, Узбекистан) и создан каталог источников по научному наследию мыслителей (Центр исламской цивилизации в Узбекистане, Узбекистан).

Изучение вопросов, связанных с проблемой человека, в мировом масштабе осуществляется по следующим приоритетным направлениям: совершенствование фундаментальных исследований по проблеме человека; обоснование специфических особенностей социумов в развитии человеческого капитала, таких как предпринимательство, личная ответственность, полезная деятельность; совершенствование социально-нравственного мира личности в период усиления в глобальном масштабе духовных угроз и нравственных проблем; совершенствование механизмов исследования вопросов, связанных с проблемой человека; продуктивное использование тенденций развития социального интеллекта в возвышении ценности человека; раскрытие современного значения корреляционных связей между личностью и обществом.

**Степень изученности проблемы.** Особое внимание к исследованию философских взглядов, суфийского учения Бахауддина Валада и Джалалиддина Руми, являющихся одними из крупных представителей средневековой исламской философии, уделяется с XIV века. В трудах Абдурахмана Джами, Алишера Навои, Хусайна Воиз Кошифи и других ученых встречается ряд важных сведений, относящихся к жизни и творчеству этих мыслителей.<sup>1</sup> Вместе с тем следует отметить, что исследования, посвященные данной теме можно условно разделить на три группы:

*Первая группа.* К этой группе можно отнести зарубежных ученых, исследовавших в мировом масштабе творчество Бахауддина Валада и Джалалиддина Руми. Первоначальные исследования, посвященные изучению жизни и научного наследия Бахауддина Валада были осуществлены такими учеными, как Коулман Баркс, Джон Мойн, Р.Никольсон, Д.Ж.Арберри, Ш.Джан, У.Читтик, Дж.Балдок, К.Эрнст, Франклин Льюс, осуществлен

---

<sup>1</sup>Абдурахмон Жомий. Нафохутул-унс. Усмонли туркчага таржима қилган А.Ломеъий. Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлэмалар фонди. 30840-сон, 524-бет; Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б.12; Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик, 10-жилд. – Тошкент: Фафур Гулом нашриёти, 2011 й. – Б.165; Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2011. – Б.58.

